

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ
(40 соат)

фанидан

**академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

Тошкент-2010

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси дастури Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш мақсадида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида тузилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари учун мўлжалланган мазкур ўқув дастури Конституцияни ўрганишни ташкил этиш Давлат комиссияси ва Экспертлар гуруҳи томонидан маъқулланган.

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил 9 октябрдаги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.

Масъул муҳаррир: Х.Б.Бобоев- юридик фанлар доктори, проф.

Тузувчилар: Х.Назаров – юридик фанлар номзоди, доцент
М.Лафасов – тарих фанлар номзоди, доцент
Х.Азизов. – юридик фанлар номзоди, доцент
М.Сатторова. – юридик фанлар номзоди
О.Омонова –Ўзбекистон халқ ўқитувчиси
З.Каримов – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғининг
ўринбосари

Такризчилар : А.Тўлаганов – юридик фанлар доктори, проф.
О.Каримова – юридик фанлар номзоди, проф.

**Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган
ишчи гуруҳи аъзолари:**

Эксперт гуруҳи М.Хамидова – юридик фанлар номзоди
рахбари

О.Т.Хусанов – юридик фанлар доктори, проф.

Тушунтириш хати

Ўзбек халқининг истиқболдаги асосий мақсади инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу борада жамиятнинг барча соҳаларида тубдан янгиланишлар ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш керакки, ҳуқуқий давлат ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Бунинг учун ҳаётда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланиши ҳамда юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг қарор топиши зарур. Чунки Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган олий юридик кучга эга ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конституция халқимизнинг хоҳиш иродасини, адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуриш ва уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгилайди. Унда инсон ҳаёти, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва бошқа манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақиллик Конституцияси мазмунида мужассам бўлган илғор ғояларга ва ахлоқий-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиб ҳаётда яшашни турмуш тарзининг ажралмас узвий қисмга айлантириш ҳамда олий қадрият ҳисобланган инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг оғишмай бажарилишини таъминлаш давр талабидир.

Конституция ва қонунларнинг ҳаётда амалий ифодасининг топишида ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳуқуқий билимга эгаллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятнинг юксаклиги муҳим рол ўйнайди.

Шу боис давлатимиз томонидан таълимнинг барча тизимларида ёшларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашга ҳамда ҳуқуқий таълимнинг ўқув-моддий ва услубий таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида Республика Конституциясини ўрганишнинг алоҳида ўқув курси сифатида таълим тизимида жорий қилиниши ҳуқуқий таълимни ривожлантириш соҳасида диққатга сазовор тарихий қадамлардан бири бўлди.

Ушбу Фармойишдан келиб чиқиб, таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг Конституция ва қонунлар тўғрисидаги назарий ва амалий билимларини янада бойитиш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси киритилди.**

Ушбу курснинг ўқув дастурида Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини замон талаблари даражасида ўқувчиларга сингдириш ҳамда амалий машғулотлар орқали ўқувчиларда қонунларга ҳаётда риоя қилиб яшаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, шунингдек, ўқувчиларнинг қонун ҳужжатларини мустақил ўрганишлари ва мутолаа қилишлари зарурлигига асосий эътибор қаратилган.

Мазкур ўқув дастурида бошқа таълим босқичларида Конституция тўғрисидаги билимларининг такрорланмаслиги, изчиллиги, узлуксизлигини таъминлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқув муассасалари ва уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган.

Ўқувчиларга Конституцияда мустаҳкамланган қоидалар ва улар асосида қабул қилинган амалдаги қонунларни ўргатиш, уларга кундалик ҳаётда риоя қилиш қанчалик зарур эканлигини англатиш ўқув дастури мазмунининг асосий негизини ташкил қилади.

Чунки Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларни бевосита ўзаро табиий уйғунлик асосида ўрганиш ўқувчиларда Конституция ҳақидаги билимларининг янада чуқурроқ, мукамалроқ бўлишига асос бўлади. Ўқувчиларда Конституция ва қонунларга ҳурматда бўлиш, ўз ҳуқуқларидан тўғри фойдаланиш, бурчларини ҳалол ва виждонан бажариш ҳис-туйғуларининг тарбияланишига замин яратади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси дастурида, мазкур курсни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари, ўқитиш ва ўрганишнинг асосий тамойиллари, мавзулар бўйича соатлар ҳажмининг тақрибан бўлиниши, мавзулар мазмуни, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган асосий тушунчалар, ўқувчиларда шакллантириладиган кўникма ва малакалар, амалий машғулотларни ва ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашини ташкил этишининг педагогик асослари, амалий машғулот мавзулари ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилган.

Дастурдаги мавзуларни ўрганишда қонунларнинг матнларидан, илғор иш тажрибалари ва янги педагогик технологиялардан, замонавий техник воситалардан фойдаланиш асосида машғулотларни ташкил қилиш мазкур ўқув курсини самарали ўрганиш имконини беради.

Ушбу ўқув курси дастури бўйича фикр-мулоҳазаларни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига юборишларингизни сўраймиз.

**«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув
курсининг таълим-тарбиявий мақсади ва вазифалари**

**«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув
курсининг асосий мақсади:**-Конституция ва қонунлар бўйича чуқур
назарий ва амалий билимлар бериш, Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва
аҳамиятини, унинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш,
қонунларга ҳурмат уйғотиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини ошириш ва
ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ҳуқуқий давлатни бунёд этишда
фаол иштирок қиладиган ҳуқуқий билимга эга комил инсонни тарбиялашга
қаратилган.

Ушбу ўқув курси бир қатор улуғвор вазифаларни ўз ичига олади:

- Конституция ва қонунлар мазмунида мужассам бўлган илғор ғояларга ва
ахлоқий-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиб ҳаётда яшашни турмуш
тарзининг ажралмас узвий қисмига айлантириш;
- Конституциявий қонун бўйича бериладиган таълимни юқори илмий-
назарий ва тарбиявий савияда амалга ошириш орқали ўқув жараёнини
фаоллаштириш;
- ҳар бир ўқувчини ҳаётдаги амалий фаолиятида зарур бўлган Конституция
бўйича ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш;
- Конституциявий қонунларнинг мазмун ва моҳиятини ўргатиш орқали
ўқувчиларни келажакка ишонч руҳида тарбиялаш;
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий тафаккурини замон талаблари
даражасида шакллантиришга эришиш;
- ўқувчиларнинг Конституция ва қонунлар бўйича ҳуқуқий саводхонлигини
ошириш ва уларда ҳуқуқий маданиятли бўлиш хис-туйғуларини
тарбиялаш;
- ўқувчиларда Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга
нисбатан эътиқодни шакллантириб бориш;
- умуминсоний ва миллий ҳуқуқий қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни
уйғотиш;
- ўқувчиларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқий қоидаларни
ҳаётда қўллай билишга ўргатиш;
- ўқувчиларга инсон эркинликлари-айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва
масъулият эканлигини теран англатиш;

- Конституция ва қонун ҳужжатлари устида мустақил ишлаш ва эркин мутолаа қилишга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг ўзи эгаллаётган мутахассислик ва касб-хунар йўналиши бўйича ҳуқуқий билимларини бойитиш;
- юксак хулқ-атвор фазилатлари билан ўзгаларга намуна бўла олишга ўргатиш;
- жамият ва инсон манфаатларига зарарли ҳаракатларга, диний экстремизм, ақидапарастлик, ҳуқуқбузарликларга нафрат уйғотиш;
- жамиятдаги воқеа ва ҳодисларни ҳуқуқий жиҳатидан мантиқий тафаккур қилиш ва муносабат билдира олиш лаёқатини шакллантириш;
- қонунчиликни яратиш йўлидаги тарихий тажрибаларни ва ҳуқуқий таълим ривожланишини тушунтириш;
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш;
- жамият ҳаётидаги, ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришларни теранроқ англаш ва зарур илмий, ғоявий, тарбиявий хулосалар чиқариш ҳамда миллий истиқлол мафқурасининг шаклланишига ёрдам бериш;
- ўқувчиларни ижодий, мустақил ва эркин фикрлаш, олган билимларини ишончли тарзда ҳаётга тадбиқ этиш, қўшимча манбалар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш қобилиятларини шакллантириш;
- Конституция ва қонунлар бўйича олган ҳуқуқий билимлари натижасида ўз ҳаётининг келажагини белгилаш, ўз Ватанининг дунёда муносиб ўрин эгаллашида ҳалол меҳнат қилиш билан ҳисса қўшиш ҳамда бошқа миллат вакилларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

***«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув
курсини ўқитиш ва ўрганишнинг асосий тамойиллари***

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмуни ва
моҳиятини ўқувчи ёшларга ўқитиш ва ўргатишда қуйидаги
тамойилларга амал қилинади:***

- Конституция ва қонуннинг жамият ҳаётида устуворлиги;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги;
- демократия ва ижтимоий адолатга асосланганлиги;
- ватанпарварлик ва инсонпарварлик;
- халқчиллик, умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат;
- халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига содиқлик;
- келажак авлод олдидаги масъулиятни англаш;
- ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тажрибаларга таяниш;
- воқеа ва ҳодисаларни тушунтиришда ҳолислик;
- эркинлик ва яратувчанлик, истиқболни прогнозлаш;
- Илғор ҳуқуқий ғояларга асосланганлиги ва шу кабилардир.

***Ўқув курси олдига қўйилган мақсадга эришишда таълим
жараёнини самарали ташкил этишнинг ўзига хос тамойилларига
ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу тамойиллар қуйидагилардан
иборат:***

- ҳуқуқий таълимдаги илмийлик, изчиллик, ҳолислик ҳамда ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг бирлиги;
- ҳар бир ўқувчининг ўзидаги ҳуқуқий билимларга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжини ўқувчи ёшига мос тарзда тўлақонли қаноатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш;
- ҳуқуқий таълим-тарбиянинг самарали бўлишига таъсир этувчи янги педагогик технология ва илғор иш тажрибаларни ўқув жараёнида қўллаш.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқитиш ва ўрганиш ўқувчиларнинг Асосий Қонунимиз моҳиятини билишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курсининг
мавзулар бўйича соатлар тақсимоти**

№	Мавзулар	Маъруза	Амалий машғулот
	Кириш. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курсининг мақсади ва вазифалари	2	
I-боб. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унда шахс ва давлат муносабати ҳуқуқий асослари			
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –асосий қонун	2	1
2.	Ўзбекистонда шахс ва давлат муносабати	2	1
II-боб. Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқлари			
3.	Фуқаролар ҳуқуқларининг конституциявий асослари	1	1
4.	Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар	1	1
5.	Сиёсий ҳуқуқлар	1	1
6.	Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар	1	1
III-боб. Конституцияда фуқароларнинг асосий бурчлари			
7.	Фуқароларнинг Конституциявий бурчлари	1	1
8.	Ватанни ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ бурчлари	1	1
IV-боб. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституциявий кафолатлари			
9.	Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши	1	1
10.	Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми	1	1
V-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат шакли ва давлат органлари			
11.	Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ва бошқарув шакли	1	1
12.	Ўзбекистон Республикаси Парламенти-Олий Мажлис	1	1

13.	Ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий асослари	1	1
14.	Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	1	1
15.	Суд ҳокимияти	1	1
16.	Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг ҳуқуқий асослари	1	1
17.	Молия ва кредит	1	1
18.	Мудофаа ва хавфсизлик	1	1
ЖАМИ – 40		22	18

Ўқув дастурининг мазмуни

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида Конституциянинг ўрни ва аҳамияти. Конституцияни ўрганишнинг зарурлиги. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган қонунларни билиш муҳимлиги. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.

Мазкур курсни ўрганишдан мақсад Конституция ҳақидаги билимларни бойитиш ва мустаҳкамлаш, қонунийликни таъминлаш учун замин яратиш ҳамда Конституция ва қонунларни устиворлигини англатиш эканлиги. Ушбу ўқув курсининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни ва алоқадорлиги. Ушбу фан бўйича адабиётлар таҳлили.

1-боб. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унда шахс ва давлат муносабати ҳуқуқий асослари

1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-асосий қонун

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши. Унинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ўрни. Мустақиллик конституцияси жамиятда ҳуқуқий тараққиётни таъминлашда янги даврни бошлаб берганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини белгиловчи асосий ҳоҷатлар. Конституциянинг тузилиши. Конституциянинг асосий принциплари. Республика Президенти Конституция ҳақида. Конституция ва қонунларнинг устуңлигини таъминлаш давлатмизнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги.

Конституция ва халқаро ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқаро ҳуқуқ қоидалари ва талабларига монандлиги. Ўзбекистоннинг Конституцияси келажаги буюк давлат бунёд этишнинг ҳуқуқий қафолоти эканлиги.

2-мавзу: Ўзбекистонда шахс ва давлат муносабати

Ўзбекистонда шахс ва давлат муносабати тушунчаси. Шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги конституциявий қоидалар мазмуни.

Шахс билан давлатнинг ўзаро мажбурияти. Давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири эканлиги.

Фуқаролар ва давлатнинг ўзаро масъуллиги. Шахс эркинлигининг таъминланиши ва қонуний ҳимояланиши.

II-боб. Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқлари

3-мавзу: Фуқаролар ҳуқуқларининг конституциявий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳақидаги қоидалар.

Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик тўғрисидаги 1992 йил 2 июль қонуни (1-28 моддалар).

Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий турлари: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий қоидалар. Инсон ҳуқуқларини амалга оширишда халқаро алоқалар.

4-мавзу: Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи эканлиги. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш оғир жиноятлиги. Шахсга қарши жиноятлар тушунчаси ва турлари: ҳаётга қарши жиноятлар, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи. Фикрлаш, сўз, эътиқод ва виждон эркинлиги.

5-мавзу: Сиёсий ҳуқуқлар

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касаба уюшмаларига ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг вазифалари ҳақидаги ҳужжатлар. Бу ташкилотнинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасининг Сиёсий партиялар тўғрисидаги 1996 йил 26 декабр Қонуни мазмуни. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги 1994 йил 5 май Қонуни.

6-мавзу: Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

Мулкдор бўлиш ҳуқуқи. Меҳнат ҳуқуқи. Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи. Илмий ва техникавий ижод эркинлиги.

Билим олиш ҳуқуқи. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмуни ва хусусиятлари. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари - таълим тизимининг янги бўғини сифатида. Бу таълим тизими фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонуни. Таълим тизими ва турлари. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари. Давлат таълим стандартлари: ўрта махсус, касб-хунар таълими стандарти (2000 йил 16 октябр). Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар, уларнинг илм олишини қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи жамоат ташкилотлари.

III-боб. Ўзбекистон фуқароларининг асосий бурчлари

7-мавзу: Фуқароларнинг Конституциявий бурчлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг бурчларига оид Конституциявий қоидалар (47-52 моддалар).

Конституция ва қонунларга риоя қилиш. Ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш. Жамоа орасида ўз бурчини бажариш, ота-онани ҳурмат қилиш.

Аждодларимиз яратиб бизга қолдирган тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш.

Табиат ва атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш бурчининг бажарилиши-соғлом турмуш тарзини яратишнинг гарови эканлиги.

Қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлаш бурчини бажариш эса мамлакат иқтисодий қудратини оширишнинг муҳим кафолати эканлиги.

8-мавзу: Ватанни ҳимоя қилиш бурчи. Ҳарбий хизматни ўташ бурчи

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг Конституцияда белгиланган бурчи эканлиги.

Ҳар бир фуқаронинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ бурчи (Конституциянинг 52 моддаси).

Мудофаа тўғрисидаги 1992 йил 3 июл қонунига тавсиф. Ҳарбий қасамёд тўғрисидаги 1992 йил 3 июл Олий Кенгашининг қарори.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги 1993 йил 3 июль қонуни ҳақида. Муқобил хизмат тўғрисидаги 1992 йил 3 июль қонуни мазмуни.

IV-боб. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституциявий кафолатлари

9-мавзу: Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатларининг ўзига хос хусусиятлари. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий

кафолатлари тўғрисидаги Конституциявий қоидалар (43-46 моддалар). Ҳар бир шахс ўзининг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқининг таъминланганлиги. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги. Жамиятда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги кафолатлари.

10-мавзу: Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва унинг кафолатини таъминлаш. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги 1997 йил 24 апрель қонуни мазмуни. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ фаолияти йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабр қонуни. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиблари. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлат томонидан таъминланиши.

V-боб. Ўзбекистон Республикасининг давлат шакли ва давлат органлари

11-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ва бошқарув шакли

Мустақил Ўзбекистон давлатчилиқни шакллантириш ва ривожлантириш йўлида: тажриба ва истиқболлар. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши ҳақидаги Конституциявий қоидалар (68-75 моддалар). Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши шакли. Давлат тузилиши принциплари. Давлат белгилари. Давлат чегараси. Ўзбекистон халқи тушунчаси. Ўзбекистон аҳолиси ва унинг таркиби. Давлатнинг ҳудудий ҳукмронлиги, унинг ўз ҳудудида тўла ва беистисно мустақиллигини англатиши. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясида эканлиги. Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва дахлсизлиги халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан эканлиги.

Ўзбекистон Республикасининг бошқарув шакли тавсифи. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг Конституциявий асослари.

12-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Парламенти-Олий Мажлис

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги Конституциявий қоидалар. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги 1993 йил 28 декабр қонуни. Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлис тўғрисида»ги 1994 йил 22 сентябрдаги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонунларни яратиш ва амалга киритиш борасида олиб борилаётган ишлар – ҳуқуқий тараққиётни таъминлашнинг асосий манбаидир.

13-мавзу: Ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳақидаги Конституциявий қоидалар. Ижро этувчи ҳокимиятнинг Конституцияда белгиланган ваколатлари ва вазифалари. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябр қонуни. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонуни (1-15 моддалар). Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан жамият ҳаётида конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти.

14-мавзу: Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ҳақидаги Конституциявий қоидалар. Бу органларнинг Конституцияда белгилаб берилган вазифалари. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябр қонуни. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг Конституциявий принциплари.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги 1999 йил 14 апрелдаги қонун. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, улар фаолиятининг ташкил этилиши ва ваколати.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни ва роли.

15-мавзу: Суд ҳокимияти

Суд ҳокимияти тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. Ўзбекистоннинг суд ҳокимияти ҳақидаги Конституциявий қоидалари тавсифи. Ўзбекистон

Республикасининг «Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни мазмуни. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) 2000 йил 14 декабр Қонуни мазмуни. Суд тизимларида ўзгаришлар, янгиланиш ва ҳуқуқий тараққиёт сари қадамлар.

16-мавзу: Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура тўғрисидаги Конституциявий қоидалар (118-121 моддалар) Ўзбекистон Республикаси «Прокуратураси тўғрисида»ги Қонуни матни. Прокурор вояга етмаганлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси. Ёшларнинг прокуратура органлари билан ҳамкорлиги. Қонунларнинг аниқ ва бир хил ижросининг таъминланишида прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар – қонунчиликни таъминлашнинг муҳим асосидир.

17-мавзу: Молия ва кредит

Молия ва кредит тизими Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. Маҳаллий ва давлат бюджетлари. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими.

18-мавзу. Мудофаа ва ҳавфсизлик

Ўзбекистон Республикаси мудофаа ва ҳавфсизлигининг конституциявий асослари. Фуқароларнинг мудофаа ва ҳавфсизлик соҳасидаги бурчлари. Республика мудофаа ва ҳавфсизликни таъминлаш, қуролли кичларни шакллантириш ва уларни тизими, қуролли кучларнинг вазифаси, қуролли кучларга раҳбарлик қилиш.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курсида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган асосий тушунчалар

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчиларнинг мактаб даврида ҳуқуқ фанлари орқали эгаллаган маълум ҳуқуқий тушунчалар

тўғрисидаги билимларини янада бойитиш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ўқувчилар мактаб давридаёқ конституцияда мужассам бўлган ҳуқуқий тушунчаларни ўзлаштирадилар.

Мазкур ўқув курсида аввалги таълим босқичларида эгалланган ҳуқуқий тушунчалар мазмунини Конституция ва қонунлар асосида кенгрок ўрганишига эътибор берилади.

Ўқув курсида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган асосий тушунчалар қуйидагилардан иборат:

Конституция, конституциявий қоида, кодекс, қонун, қонун ҳужжатлари, конституциявий тамойиллар, суверенитет, давлат суверенитети, халқ суверенитети, Мустақиллик Декларацияси.

Давлат рамзлари, давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси.

Халқ ҳокимиятчилиги, демократия, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, сайлов тизими, сайлов қонунчилиги, референдум, сайлов ҳуқуқи.

Шахс ва давлат муносабати. Шахс ва давлатнинг ўзаро мажбурияти.

Инсон ҳуқуқлари, инсон эркинликлари, инсоннинг ҳуқуқий мажбуриятлари, фуқаролик ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, яшаш ҳуқуқи ва соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, билим олиш ҳуқуқи.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий кафолатлари. Кафолатларнинг турлари. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи. Ҳуқуқий ҳимоя. Ўз ҳуқуқини амалга ошира олиш маданияти.

Давлат тузилиши ва бошқарув шакли. Республика. Президентлик бошқаруви.

Давлат ҳокимияти, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти, Конституциявий суд, прокуратура, нотариат, адвокатура, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши.

Ватанни ҳимоя қилиш конституциявий бурч, ҳарбий хизмат, муқобил хизмат, мудофаа ва ҳавфсизлик, ҳарбий қасамёд, умумий ҳарбий мажбурият ва бошқа шу каби ҳуқуқий тушунчаларни ўзлаштиришлари лозим.

**«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув
курсида ўқувчилар эгаллайдиган кўникма ва малакалар:**

- Конституция мазмуни негизини ташкил этган ҳуқуқий тушунча, қонуният ва ғояларни билиши;
- Мустақиллик Конституциясининг қабул қилиниши, унинг тузилиши ва мазмунини тавсифлай олиши;
- Конституцияда давлат Мустақиллиги, халқ, миллат ва инсон манфаати ҳамда демократик ғояларнинг устувор йўналиш сифатида эътироф этилганлигини изоҳлай билиши;
- Мустақиллик Конституцияси билан Шарқ ва /арб давлатларида амалда бўлган конституциялар ўртасидаги фарқли ўзига хос хусусиятларни қиёслай билиши;
- Конституция бўйича эгаллаган билимларига таяниб, воқеаларни ҳуқуқий жиҳатдан илмий таҳлил қила олиш ва мушоҳада этиш малакасига эга бўлиши;
- Конституция ва қонунларни ўрганиш жараёнида, унинг бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини кўрсата олиши;
- Конституция ва унинг асосида турли хил соҳалар бўйича қабул қилинган қонунлар ўртасидаги фарқли ва ўзаро боғлиқлик хусусиятларини билиши;
- қонунлар асосида ҳуқуқни қўллашнинг ташкилий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи функцияларини ҳамда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиши;
- қонун ҳужжатлари билан ишлаш, уларни мутолаа қилиш лаёқатига эга бўлиши;
- Конституция ва қонунларнинг ҳаётдаги ижроси таъминланиш даражаси юзасидан эркин фикр билдира олиши ва зарур ҳулосалар чиқариши;
- янгидан қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига ўзининг шахсий таклифлари билан иштирок эта олиши;
- Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар доирасида ўзини тута билиши, ўзида талабчанлик ва интизомлилик фазилатларини намоён эта олиши;
- Конституция ва қонунлардаги ҳуқуқий терминларни тўғри қўллаш ва уларнинг маъносини тушунтира билиши;
- қонун ҳужжатлари матни ўрганилаётганда қўшимча материаллардан мисоллар келтириб шарҳлай олиши;
- қонун ҳужжатлари бўйича қўшимча кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиб, ўзининг фикрларини баён эта олиши;
- ўз ҳуқуқини талаб қилаётганда муаомала маданиятига ва қонунда белгиланган қоидаларга амал қила олиши;

- ўзининг шахсий, оилавий ва жамият ҳаётидаги долзарб ҳуқуқий масалаларни ечишга йўл топиши, энг муҳим ҳулосалардан мамлакат манфаати учун фойдалана билиши;
- давр талаби бўйича ҳуқуқий тафаккурини ва дунёқарашини шакллантириб бориши ва ҳуқуқий жихатидан ижодий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси бўйича амалий машғулотларни ва ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашини таъкил этишининг педагогик асослари

Ўқувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида турли соҳалар бўйича қабул қилинган қонунлар юзасидан чуқур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши мазкур ўқув курсидан дарс машғулотларини олиб борадиган ўқитувчининг дарсни юқори савияда таъкил этиш маҳоратига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ўқитувчи дарс машғулотларига биринчи навбатда ўзи ва ўқувчиларни ҳам олдиндан тайёрлаб бориши ҳамда дарснинг таълим-тарбиявий самарадорлигига эришиш учун зарур барча жихатларни ҳисобга олиб бориши лозим. Дарс жараёнида, айниқса амалий машғулотларни ўтиш пайтида ҳар бир ўқувчининг кўлида Конституциянинг ва тегишли мавзуга оид қонунлар бўлиши ҳамда Конституция ва унинг моддаларини акс эттирувчи турли хил кўринишдаги кўргазмали қуроолларни ўқувчиларга тайёрлатиш ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш дарснинг самарали бўлишига ўз таъсирини кўрсатади.

Амалий машғулотларни янги педагогик технологияга асосланган турли хил шаклда: - савол жавоб, давра суҳбати, мунозара, муаммоли дарс, эркин фикр билдириш ва ўзаро фикрлар алмашиш, мулоқот (машғулотни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллариининг иштирокида), мавзуга оид саҳнавий чиқишлар намойиш этиш, конституция қоидалари мазмунини шарҳлаш бўйича гуруҳнинг ўзида ва гуруҳлараро беллашув, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаши, тарқатма материаллар асосида билимини ошириш ва шу каби ўқувчиларни қизиқтирувчи усуллардан танлаб ёки аралаш тартибда фойдаланиш ўринлидир. Амалий машғулотларни юқори савияда ўтказилиши ва уларга ўқувчиларнинг тайёрланиб келишлари учун дастур асосида

яратилган ўқув қўлланмада махсус топшириқлар берилади. Ўқитувчи ўтказиладиган амалий машғулотлар шакли ҳақида олдиндан ўқувчиларни огоҳлантиради ва тайёрланиши учун керакли йўлланмаларни беради. Ушбу машғулотларни ўтказишда барча ўқувчиларнинг фаол иштироки ҳам таъминланиши керак.

Энг муҳими ўқитувчи ўқувчиларни мустақил ўз устида ишлаши, уларга эркин фикрлаш услубини сингдириши лозим.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаб, амалий машғулот мавзуларига янада мукамал тайёрланиб келишлари учун айрим қўшимча мавзулар беришлари мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларга мустақил иш мавзулари рўйхатини бериб, уларга тайёргарлик кўриб боришини олдиндан хабардор қилади. Ўқувчиларнинг мавзуларга тўлақонли тайёрланиши учун ўқитувчи гуруҳдаги ўқувчиларнинг сонини ҳисобга олиб, мустақил иш мавзуларини тақсимлаб беради. Мавзуларга тегишли фойдаланадиган ҳукукий адабиётлар рўйхати, улардан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари ҳақида кўрсатмалар беради. Ўқувчи мавзуларни олгандан кейин зарур ҳукукий адабиётларни йиғиб, улар устида мустақил тарзда иш олиб боради. Мустақил иш мавзулари бўйича бир нечта адабиётлардан фойдаланган ҳолда рефератлар ёки кўргазмали қуроллар тайёрлайдилар. Ўқувчилар берилган мавзулар бўйича тайёрлаган рефератларни ёки кўргазмали қуролларни дарс жараёнида ҳимоя қиладилар. Тайёрланган рефератлар ёки кўргазмали қуроллар асосан ўқувчининг ижодкорлиги, берилган мавзуларни қанчалик даражада тўғри ёритганлиги, эркин фикрини баён қила олганлиги каби мезонлар асосида баҳоланади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курси бўйича амалий машғулотлар мавзуси ва режаси

1-мавзу: Конституция-асосий қонун

1. Конституция тузилиши, хусусиятлари ва тамойиллари
2. Конституция мазмун-моҳиятини белгиловчи асосий ғоялар
3. Конституцияга биноан ўзбек халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли

2-мавзу. Ўзбекистонда шахс ва давлат муносабати

1. Шахс ва давлат муносабати тушунчаси
2. Шахс ва давлат муносабатини белгиловчи конституциявий қоидалар
3. Шахс ва давлатнинг ўзаро мажбуриятлари

3-мавзу. Фуқаролар ҳуқуқларининг конституциявий асослари

1. Фуқаролик тушунчаси
2. Фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинлик ва бурчлари тизими
3. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати

4-мавзу. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар

1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси
2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари
3. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қонун билан ҳимояланиши

5-мавзу. Сиёсий ҳуқуқлар

1. Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси
2. Сиёсий ҳуқуқлар тизими
3. Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрни

6-мавзу. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

1. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар турлари
2. Билим олиш ҳуқуқининг таъминланганлиги
3. Илмий ва техникавий ижод эркинлиги, унинг шахс имкониятини юзага чиқаришдаги аҳамияти

7-мавзу: Фуқароларнинг конституциявий бурчлари

1. Бурч-бу масъулият ва мажбурият эканлиги
2. Фуқаронинг конституциявий бурчлари
3. Ўз бурчини англаш - юксак маънавий баркамоллик фазилати эканлиги

8-мавзу: Ватанни ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ бурчи

1. Ватанни ҳимоя қилиш-муқаддас бурч
2. Ҳарбий хизмат ва муқобил хизматни ўташ мажбурияти
3. Ватан хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш йўлида ҳисса қўшиш

9-мавзу. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг таъминланиши

1. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари тушунчаси
2. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги
3. Иқтисодий ва сиёсий соҳадаги кафолатлар

10-мавзу: Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми

1. Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатларининг ўзига хос хусусиятлари
2. Фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига монандлиги
3. Конституция асосида қабул қилинган қонунларда фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг мустаҳкамланиши

11-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ва бошқарув шакли

1. Ўзбекистон: давлатчиликни ривожлантириш йўлида
2. Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши
3. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви

12-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Парламенти-Олий Мажлис

1. Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрни
2. Олий Мажлис фаолиятининг конституциявий асослари
3. Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчилик фаолияти

13-мавзу: Ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий асослари

1. Ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги тутган ўрни
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг конституцияда мустаҳкамланган ваколатлари
3. Вазирлар Маҳкамаси, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини таъминлаш йўлида амалга ошираётган тадбирлари

14-мавзу: Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти тушунчаси
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг конституциявий асослари
3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
4. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолияти ташкил этилиши ва ваколат доираси

15-мавзу: Суд ҳокимияти

1. Суд ҳокимиятининг конституциявий асослари

2. Суд тизимлари, уларнинг қонун ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашдаги ўрни
3. Одил судловнинг конституциявий принциплари

16-мавзу: Прокуратура органлари

1. Прокуратура органлари фаолияти
2. Вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Прокуратура органларининг роли
3. Прокуратура органлари билан таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти

17-мавзу: Молия ва кредит

1. Молия ва кредит органларини фаолияти
2. Молия ва кредит органларини тузилиши

18-мавзу: Мудофаа ва хавфсизлик

1. Мудофаа ва хавфсизлик органларини фаолияти
2. Мудофаа ва хавфсизлик органларини тузилиши
3. Мудофаа ва хавфсизлик органларини бошқаруви

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ўқув курсини ўқитиш бўйича талаблар

А. Ўқув дастурига қўйиладиган талаблар:

- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 15-19 ёшли ўқувчилар таълим олади. Шу сабабли ўқув курси дастури уларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос бўлиши ҳамда мактабда «Конституциявий ҳуқуқ» фанидан олган билимларининг такрорланмаслиги, узлуксизлигининг сақланиши ва уларнинг ривожлантирилиши;
- Дастурда Конституцияни ўқитишнинг таълим ва тарбиявий мақсади ва вазифалари ўз ифодасини топиши;

-Конституцияни ўқитиш ва ўрганиш тамойиллари ёритилиши лозим.

Дастурда акс эттириладиган асосий мавзулар йўналишини:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳиятини, унда мустаҳкамланган қоидаларни кенгроқ ўрганиш ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш;
- Ўзбекистонда шахс ва давлат муносабати, бу муносабатларнинг конституциявий асослари;
- Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;
- Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий кафолатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши;
- Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимлари, уларнинг ҳуқуқий асослари каби масалалар ташкил этади.

Дастур асосий ўрганиладиган масалаларни ўқувчилар ёшига мос, содда ва тушунарли тарзда ифодалаб, назарий ва амалий билимларни уйғунликда шакллантириш жиҳатларини акс эттириши лозим.

Шу билан бир қаторда дастурда қуйидаги масалалар ҳам ёритилиши зарур:

- Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар мажмуаси;
- Ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган кўникма ва малакалар;
- Конституция асосида қабул қилинган қонунлар, уларни конституциявий қоидалар билан боғлиқликда ўрганиш;
- Адабиётлар рўйхатининг дастурдаги масалаларни ёритишга мувофиқлиги;
- Мустақил фикрлашга ўргатиш ва амалий машғулотларни ташкил этишнинг педагогик асослари кабилар ўз ижобатини топиши зарур.

Б.Дарслик ва ўқув қўлланмаларга қўйиладиган талаблар:

- Дарслик ва ўқув қўлланмалар таълим ва тарбия жараёнларининг бирлигини таъминлаши ҳамда унда баён этилган ҳар бир мавзунини тўлақонли равишда ўқувчилар тушуниб олиш таъсирчанлигига эга бўлиши;
- Ўқувчиларнинг ғоявий ва ахлоқий масалаларни муваффақиятли ҳал қилиши учун дарсликда ғоявий собитлик, ҳуқуқий мафкуравий тарбияни амалга ошириш ва фаол ҳаётий мавқеининг шаклланишига ёрдам берувчи материаллар аниқ илмий асосда баён этилиши;
- Дарслик ва ўқув қўлланмалар ўқувчиларни ватанпарварлик ва келажакка ишонч руҳида тарбиялаши ҳамда халқлар ва миллатларнинг ўзаро дўстлиги умумбашарий тараққиётнинг гарови эканлигининг аҳамиятини очиқ бериши;
- Дарслик ва ўқув қўлланмаларда ёритиладиган масалалар ва келтириладиган далиллар илмийлик талабларига мувофиқ бўлиши;
- Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда инсон онгининг кучи ҳақида ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилишга қаратилган ҳуқуқий тушунчалар бериши;

- Ўқувчиларда ҳуқуқий илмий тушунчалар тизимини шакллантиришга, янги тасаввур ва тушунчаларнинг таркиб топишига таъсир қилувчи бой материалга таяниши;
- Баён этилган материал тушунарли бўлиши, эркин фикрлашга ўргатиши ва ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлашлари учун етарли имкониятга эга бўлиши;
- Таълимнинг пировард натижаси ҳаётий амалиёт билан боғланиш тамойилига амал қилиб ўқувчиларни ҳаётда ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш жамият тараққиётининг муҳим омили эканлигини англатиши;
- Дарслик ва ўқув қўлланмалар ўқувчиларни инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд қилишда фаол иштирок қилиш руҳида тарбиялаш мазмунига асосланиши;
- Ўқувчиларнинг илм олишга онгли муносабатда бўлишини таъминлаши, ўрганилаётган билимлар ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилинишининг мақсади ва вазифалари, унинг амалиёт билан алоқаси, ўрганилаётган ўқув курсининг умумбашарий ютуқлар билан боғлиқлигини кўрсатиши;
- Ўрганилаётган материални ўқувчилар мустақил таҳлил қилишлари ва умумлаштиришлари, олинган билимларни аниқ амалий вазифаларни бажариш учун қўллаш мақсадида дарслик ва қўлланмаларда матн устида ишлаш ҳамда олган билимни амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган махсус топшириқлар бўлиши;
- Ўқувчи берилаётган янги мавзу материалидаги тушунча ва билимларни ўзлаштириб олишлари учун дарслик ва қўлланма шу янги мавзунини камроқ ҳажмда ва уни кейинги мавзуларда кенгайтирилиши, тўлдирилиши ва бойитилишини ҳисобга олиши;
- Дарслик ва қўлланма ўқувчиларнинг пухта билим олишларида мавзуларни механик тарзда эслаб қолишларига эмас, балки фаол фикрлашларига қаратилган бўлиши керак.

В.Дарсликнинг услубий тузилиши ва дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар:

- Дарсликнинг услубий тузилиши ва дарсда қўлланиладиган воситалар таълимнинг мақсади ва вазифаларига, унинг дидактик принципларига мос бўлиши;
- Дарслик тузилиши ва дидактик воситалар билимлар мажмуасини, уларнинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишини таъминлашга қаратилган методларни ифода қилиши;
- Билим ва кўникмалар қуйидаги даражаларда ўзлаштирилиши мумкин:
 - а) онгли идрок қилиш, ёд олиш, тушуниш ва айтиб бериш;
 - б) билим ва кўникмаларни зарур ҳолларда қўллаш;
 - в) ижодий фойдаланиш;

- Дарслик тузилишида мавзуларнинг изчиллиги ва боғлиқлиги таъминланиши, мавзуларни ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган билимларни турли шароитларда қўллаш усуллари баён қилиши;
- Дарслик тузилишида ва дидактик воситаларда ўқувчиларнинг илм олишга қизиқишини оширишга ва изланишга ундовчи турли хил кўргазма материаллар аксини топиши;
- Дарслик ва дидактик воситалар тузилишида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантирувчи таъсирчан усуллар ёритилиши;
- Дарслик ва дидактик воситалар ёритилаётган мавзулар орасида боғланиш ва асосий тушунчалар ҳамда назарий билимларни ўрганиш кетма-кетлигига, амалий кўникмаларни ривожлантиришда зарур бўлган изчилликка асосланиши;
- Амалий машғулотлар учун дарслик, қўлланма ва дидактик воситаларда берилаётган материал дастурга мувофиқ баён қилиниши ва янги педагогик технологияни ҳисобга олиб тузилиши зарур.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. – 174 б.
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 32 б.
22. Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир”.// Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь.
23. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. // Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь.
24. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 72 б.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон» 2009 й. 40 б.

2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда // Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 482-III-сонли Қонун билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002- й. 5-сон, 67-модда

3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда

4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-III Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тў тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон РеРРеспубликаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда.

6. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда

8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда

9. “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил етилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда

10. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 7-модда

11. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири)

Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-III-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-

ИИ-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган

12.“Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. –2005. – №1. – 12- модда.

13.“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 27.08.2004 й. 669-ИИ Қонуни билан тасдиқланган

14.Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151- модда.

15.Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Халқ сўзи. 2008 йил 27 декабрь

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.
2. Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.Т.:, “Шарқ”.- 532 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.:, “Молия”.- 2002 645 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.:, Т.Ю.Ю.И.- 2005 545 б.
5. Стрекозов В.Г., Казанчев Ю.Д. Конституционное право России: Учебник. – М.: Новый юрист, 1997. – 288 с.
6. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов – М.: Издательская группа НОРМА – ИНФРА .М, 1998. – 752 с.
7. Исламов З.М. Общество, государство, право- Т.:, «Адолат», 1997.
8. Хамедов И.А. , Хакимов М,М. Парламентское право: Учебное пособие \ Под редакцией М.Х. Рахманкулова. – Ташкент:, 2003 г.
9. Парламентское право России: Учебные пособие / Под ред. И.М. Степанова, Т.Я. Хабриевой. М.:, Юристъ, 1999. 224 с.
10. Булаков О.Н. Парламентское право Российской Федерации: Учебное пособие. Ростов н/Д: Феникс, 2000.
11. Конституционное право зарубежных стран в схемах. А.Щ.Якушев. - Москва: Издательство "Приор", 1999. - 334 с.

12. Конституционное право зарубежных стран в схемах. А. Щ. Якушев. - Москва: Издательство "Приор", 1999. - 334 с.
13. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси / Тузувчилар: И.Комилов, Ф.Бакаева, А.Абдуллаев, Р.М.Алимовнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент:, “Шарқ”, 2004. – 130 б.
14. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 344 б.
15. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи: Дарслик. Ҳ.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2005. – 752 б.
16. Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳуқуқи: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Аҳмедов. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 550 б.
- Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи: Ўқув қўлланма / А.А.Тўлаганов таҳрири остида. – Тошкент:,ТДЮИ, 2006. – 232 б.
17. Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Тошкент:, ТДЮИ, 2006. – 302 б.
18. Ўзбекистон Республикасининг конституциясига шарҳ / А.А.Азизхўжаев таҳрири остида. Тошкент: ЎзР Адлия вазирлиги, ТДЮИ, 2008. – 496 б.